27 АПР 1992

Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 22 АПРЕЛЬ, ЧОРШАНБА

№ 43 (5839).
Баҳоси: обуначига 24 тийин, сотувда 60 тийин.

Миннатдорчилик ҳисси

ҒАМХЎРЛИК БЎНДАН ОРТИҚ БЎЛМАС

Бозор иқтисодиёти туфайли аҳолининг, жумладан, толиби илмларнинг ҳам маълум табақалари ижтимоий муҳофазага муҳтож бўлиб қолди. Пировард натижада мисли кўрилмаган норозиликлар келиб чиқа бошлади. Буни англаган Президентимиз зарур чоратадбирлар кўраётир. Жумладан, биз талабаларга бўлган ғамхўрликнинг ёрқин далили сифатида яқинда чиқарилган фармон ҳам айни кўнгилдаги гап бўлди.

Мен ҳозир 750 сўм стипендия олаётирман. Шу боис, жумҳурият раҳбарияти, хусусан, Президентимиз И. А. Каримовга миннатдорчилик билдираман.

Н. ОЧИЛОВА,
техника дорилфунуни учинчи босқич талабаси.

●

МУШКУЛИМИЗ ОСОН БЎЛДИ

Жўжабирдек жонмиз. Умр йўлдошим Маҳмуджон билан тинмай меҳнат қиламиз, аммо биримиз икки бўлмайди. У киши қурувчи, мен эса педагогман. Болаларни боқиш, тарбиялаш, суннат тўйини ўтказиш, уйлантириш каби озмунча ташвишларимиз борми? Турмуш тақозоси билан бу юмушларни бажаришимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Бунинг устига бозор иқтисодиётига ўтиш даври оғир кечаётир. Бу ҳол бизга қаттиқ таъсир қилмоқда.

Муҳтарам Президентимизнинг ойлик маошимизни ошириш тўғрисидаги Фармони мушкулимизни бирмунча осон қилди. Бунинг учун раҳмат!

Олтин ҲАСАНОВА,
Қамаши ноҳиясидаги кўп болали она.

ЖОНКУЯР МУАЛЛИМА

Мактабда таълим-тарбия ишини тўғри йўлга қўйиш, ёшларга пухта билим бериш асосан бошланғич таълим ўқитувчиларига боғлиқ. Тошкент ноҳиясидаги Абдулла Қодирий номидаги ўрта мактабнинг бошланғич синфлар ўқитувчиси Мавжуда Жабборова ана шундай устозлардан бири.

— Мавжуда, — деб ҳикоя қилади мактаб директори Жўрабой Тўхтаев, — фақат мактабимиздагина эмас, балки районимизда ҳам кўпчиликка ибрат бўладиган муаллимлардан. У ҳамиша янгилик излайди, илғор педагогик тажрибаларни ўрганади ва ўз иш тажрибасига жорий этади.

Ўз навбатида мактабимиздаги, шунингдек, ноҳиямиздаги мактабларнинг ўқитувчилари Мавжуда Жабборова дарсларига кириб, унинг кўргазмали қуроллар ва таълимнинг техника воситаларидан фойдаланиш юзасидан иш усулларини ўрганишади.

Чиндан ҳам жонкуяр ва ижодий изланувчан муаллиманинг иш тажрибаси ҳар жиҳатдан ўрганиш ва оммалаштиришга лойиқдир.

Суратда: М. Жабборова дарсда.

Сураткаш А. АКМАЛОВ.

Яна миллий мактаб ҳақида

ЎҚУВЧИ СИЙМОСИ—БОШ МАСАЛА

Ҳозирги кунда ҳар бир халқ таълими ва шу соҳадаги янгиликлар билан қизиққан киши миллий мактабнинг шакли ва моҳияти, мақсади қандай бўлиши устида бош қотираётган бўлса керак. Зеро, бундай муаммони илғор кишилар олдига замон, янги даврнинг ўзи қўяяпти. Баъзи бир касбдошларимиз Ўзбекистон мустақилликка эришди, энди мактаб сўзининг олдига «миллий» деган қўшимчани қўшмасдан гапирсак, оддий қилиб «ўзбек мактаби» деб қўяқолсак бўлармиди, деган фикрни илгари суришяпти. Бизнингча, бундай йўлни ҳозирча қувватлаб бўлмайди. Чунки мақтабларимиз тўлиқ миллийлашгани, инқироздан қутилгани йўқ.

Ўзбекистон Педагогика илмий-тадқиқот институтида ўтказилган миллий мактаб муаммолари бўйича муваққат илмий-педагогик жамоатчилик марказининг навбатдаги йиғилишида юқоридаги каби масалалар кенг муҳокама қилинди. Йиғилишни марказнинг раҳбари Раҳимжон Ҳасанов бошқариб борди. Турли вилоятлардан ташриф буюрган халқ таълими ходимлари, олимлар ва ёзувчилар «Ўзбек миллий мактаби ўқувчисининг сиймоси (ички ва ташқи) мавзуси атрофида қизғин мунозара олиб бордилар.

Сўзга чиққан нотиқларнинг фикрича, аввал миллий мактаб ўқувчисининг ички ва ташқи сиймосини яратиб, кейин шу сиймо атрофида кенг миқёсли иш олиб бориш мумкин бўлади. Бирорта дарслик, қўлланма, янги дарс ўтиш услуби яратилганида ҳам ана шу сиймо киши кўз ўнгида туриши керак. Зеро, миллий мактаб деганда биринчи галда тасаввуримизда ўқувчи гавдаланиши лозим.

Ўқувчи ички дунёсида эътиқод ва иймон, миллий руҳ, миллий ғурур етакчи фазилат бўлмоғи лозим. Ана шу орқали унинг мукаммал сиймосини яратиш мумкин. Бунинг учун миллий тарбиянинг мақсади янги шахсни, ҳар томонлама камол топган соф миллий мактаб ўқувчиси сиймосини яратишга қаратилиши керак.

Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Агар биз фақат миллий педагогикани шакллантириш билан шуғуллансак, тор доирада ўралашиб, замондан орқада қолишимиз мумкин. Агар соф илмий педагогика билан шуғуллансак, миллий ўзакдан узилиб қолиб, технократияга юз тутар эканмиз. Демак, педагогикада миллийлик билан бир қаторда замонавийлик, тарихийлик, диний, дунёвий илмлар, жаҳон миқёсидаги илғор ютуқлар ва ҳоказоларни ҳам ҳисобга олиш керак. Ана шунда миллий мактаб тушунчаси кенг аҳамият касб этади.

Йиғилиш сўнгида нотиқлар билдирган фикрлар умумлаштирилди, марказнинг навбатдаги амалий вазифалари белгилаб олинди.

Авваз ҲАЙДАРОВ,
мухбиримиз.

«МАЪРИФАТ»—БИЗНИНГ ДЎСТИМИЗ»

«Маърифат» жумҳуриятимиздаги ҳар бир муаллим учун қадрдон, дўст рўзномалардан бири.

Вилоят ўқитувчилар малакасини ошириш институтининг жамоаси рўзномамиз «Маърифат»дан ўз меҳрини дариғ тутмайди. Шу сабабли рўзноманинг 1992 йил 3 март сонидаги мурожаатига амалий ёрдам беришга қарор қилдик.

Шу йил 8 апрелда ўтказилган йиғилишда ўзимизнинг бир кунлик иш ҳақимизни (2 минг 20 сўм 34 тийин) рўзноманинг 100609809 рақамли ҳисобига ўтказишга қарор қилдик.

Шу билан бирга вилоятдаги халқ таълими ўчоқларида ишлаётган дўстларимизни ҳам хайрли ишдан четда қолмасликка даъват этамиз.

Ш. САИДҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти директори.

С. РАСУЛОВ,
шу институт касаба уюшмаси раиси.

БИЛИМИНИ, ТАЖРИБАСИНИ ИШГА СОЛИБ...

Тўлқинжон Каримов рўзнома ва ойномаларда мунтазам ёритилаётган иқтидорли болалар таълими билан танишаркан, ўз мактабида шу ишни амалга оширишни кўнглига тугди. Фикрини мактаб директорига айтган эди, у ҳам дарров розилик берди. Шу-шу бўлдию, Т. Каримов фақатгина ўз мактабидаги болаларнигина эмас, балки Бағдод ноҳияси Хитой қишлоғидаги олтита ўқув даргоҳидан математикага лаёқатлиларни йиғишга тушди. Бу таклиф мактаблар жамоаси ва отаоналар томонидан мамнунлик билан кутиб олинди. У болаларни собиқ СССР Космонавтлар федерацияси билан алоқасини тиклашга муваффақ бўлди. Ҳатто, бир нечасини ўша ерга олиб бориб, билимини синаб ҳам келди.

Т. Каримов ноҳияда информатика фани ривожига ҳам катта ҳисса қўшмоқда. «Мактабда ЭҲМдан фойдаланишнинг методик асослари», «Ўқув жараёнида ЭҲМни қўллашнинг заруриятн», «Физика курсини ўқитишда ЭҲМдан фойдаланиш» каби қатор туркум маърузаларидаги тавсиялар ноҳиядаги ҳамма мактабларнинг ЭҲМ фанини ўқитадиган ўқитувчиларга қўл келди.

Йигирма икки йилдан бери у ёшларга билим беряпти. Ана шу билимларини, тажрибасини ишга солиб, яқинда вилоят миқёсида ўтказилган кўрик-танловда 21 нафар ўқитувчи орасида иккинчи ўринни олишга муваффақ бўлди.

М. ШЕРМАТОВ,
А. АБДУРАҲМОНОВ.
Фарғона шаҳри.

●

ҚУТЛУҒ НОМЛАР ШАРАФЛАНМОҚДА

Марғилон шаҳридаги 1-мактабга бутун умрини маорифга бахшида этган инсон Мунаввархон Тошхўжаев номи берилди. М. Тошхўжаев туғма филолог — педагог эди. У Улуғ Ватан уруши жабҳаларида ҳам қатор қаҳрамонликлар кўрсатди.

Бир сўз билан айтганда, Фарғона вилоятида қадриятлар эътибор топмоқда. Масалан, Фарғона шаҳридаги 30-ўрта мактабга 1920 йилларда шу илм масканига асос солган Д. Ниёзов, Қува ноҳиясидаги 9-илм масканига шу музофотдаги халқларнинг маърифий камолотида жуда катта ўрин тутган педагог А. Саломов, Олтиариқ ноҳиясидаги 37-билим даргоҳига қалдирғоч муаллималардан З. Мадаминова номлари берилишини ҳам ана шундай эзгу ишлар сирасига киритиш мумкин.

Ҳ. РУСТАМОВ.

ЕТИЛГАН МУАММОЛАР ҲАҚИДА МАКТУБЛАР

АЙНИ МУДДАО

Мен севимли рўзномамиз «Маърифат»ни педагогик фаолиятим бошлангандан буён ўқиб келмоқдаман. Айниқса, кейинги 2—3 йил ичида унинг саҳифаларидан сермазмун мақолалар ўрин олмоқда. Турли мавзуларда ёритилган таклиф ва услублардан ўз иш фаолиятимизда ҳам қўллаш имкониятлари бўлмоқда. Лекин барибир, педагог ва тарбиячиларни ўйлантириб келаётган айрим муаммолар ҳали тўла бартараф этилгани йўқ. Ана шулардан бири ёшларимизнинг айрим тартиббузарлик, жиноятларга қўл уришларидир. Бунинг сабаблари — оила, жамоатчилик, мактаб орасидаги узвий боғлиқликнинг йўқлиги бўлса, иккинчиси — ўз динимиз, миллийлигимизни, қадриятларимизни унутиб қўйганлигимиздир. Чунки биз, ўқитувчилар, айтиш мумкинки, дарс вақтида ёшларимизга берган айрим фикрларимиз ўқувчилар онгини заҳарлаб келди десак, адашмаймиз. Улар биздан эшитганларининг аксини ҳаётда ўз кўзи билан кўрмоқда. Бу ҳол эса дарахтнинг илдизига болта уриш билан баробардир. Ахир донишмандлар «дарахтдан мева оламан десанг, унн ниҳоллигидан парвариш қил!» дейишган эди-ку!

Мустақил Ўзбекистоннинг мустаҳкам пойдеворини қуриш ана шу биз тарбиялаётган ўқувчиларга боғлиқ. Шунинг учун ҳар бир дарс соати ҳақиқий санъат асарига ўхшаб пухта бўлиши лозим.

Тарбия ҳозирга келиб оқсоқланиб қолди. Бу эса ёшларимизнинг ўқишга қизиқишлари яхши эмаслигидан далолат беради. Улар кўпроқ ташқи ҳаётий муҳитга берилиб кетдилар.

Айниқса, ҳунар-техника билим юртларида буни яққол кўриш мумкин. Ота-оналарнинг билим юрти билан яқин алоқада бўла олмаслиги туфайли, кўпгина кадрларнинг ўз касби бўйича етарли малакага эга эмаслиги сабабли бу салбий ҳолатлар келиб чиқади.

Ҳозирга келиб одобнома дарси дастурдан ўрин олди. Зероки, ана шу дарсларнинг қутлуғ қадами ёшлар тарбиясига ижобий таъсир кўрсатаолса, ажаб эмас. Эндиги асосий вазифа ана шу дарсларни дастур бўйича 1 соат ўрнига 2 соат қилиб ўтилса ҳамда бу фанни ўқитадиган ўқитувчилар қайта тайёрлаш курсларидан ўтиб, ноҳия, вилоят метод секциялари йиғилишларида фикр алмашиб турсалар, айни муддао бўларди.

Р. ШОНАЗАРОВА,
Бухоро вилояти Қизилтепа ноҳиясидаги 26-ҳунар техника билим юрти методисти.

ДИЛРАБО МАСКАН

Самарқанд шаҳрида Улуғ бобомиз Амир Темур номи билан аталадиган шоҳ кўчада табобат қасри қад кўтарди. Бу масканни таъмирлашда «Сардор», «Мароқанд», «Боғбон» ширкатларининг усталари 2 миллион сўмлик иш ҳажмини бажардилар. Кошона замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди. Яқинда бу ердаги беморлар Сирдарё вилоятининг Арнасой ноҳиясидан келтирилган балчиқ ҳамда Каттақўрғоннинг машҳур Нагорний курортидан келтирилган родон сувидан фойдаланишга муяссар бўладилар. Бош врач Шукрулло Хушвақтов, шифокорлардан Қ. Қаршиева, бош ҳамшира Г. Раҳимовалар дастлабки беморларни қабул қилиб, уларни даволашга киришдилар.

Куни-кеча табобат кошонаси очилишига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди. Тантанада Самарқанд вилояти ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носировлар ҳозир бўлдилар ва нутқ сўзладилар.

Ўзбекистон халқ таълими вазирининг ўринбосари Муртазо Султонов йиғилганларни табриклади. Шундан сўнг, тантанада касаба уюшмалари вилоят қўмитасининг раиси М. Шодиева, Оқдарё ноҳиясидан 45-ўрта мактаб ўқитувчиси Қ. Турғунова ва бошқалар сўзга чиқдилар.

Санаторий-профилакторийни таъмирлашда жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилганлар халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси қўмитаси томонидан мукофотландилар.

З. БАҲРИЕВ,
ўз мухбиримиз.

МУЛОҲАЗА

ТАРИХНИ ТЎҒРИ ТАЛҚИН ҚИЛАЙЛИК

Ҳар бир халқнинг ўтмишини билмасдан туриб, келажагини тасаввур этиб бўлмайди. Биз тарихчилар узоқ йиллар давомида ўз тарихимизни чуқур ўрганмасдан туриб, бошқа халқлар тарихини кўкларга кўтардик. Дарсликларда ҳам, ўқувчиларга сабоқ беришда ҳам бунга керагидан ортиқча ўрин ажратдик. Мана энди ўқувчиларимиз шаклан миллий, мазмунан социалистик бўлган давр қаҳрамонлари ҳақида программа талабига жавоб бера оладилар-у, аммо халқ қаҳрамонлари Спетамин, Муқанна, Намоз кабиларни, ўз юрти, шаҳри ёки қишлоғи тарихини сўрасангиз лом-мим дея олмайдилар.

Бундай мулоҳаза юритишимдан асосий кўзланган мақсад — ўтмишда йўл қўйилган хатоликларни рўкач қилавериш эмас, балки ҳозирги пайтдаги чунончи, «Ўзбекистон халқлари тарихи» ҳақида айрим фикрларимни билдиришдир.

Маълумки, ўтган йили «Маърифат» рўзномасида «Ўзбекистон халқлари тарихи» дарслиги узлуксиз бериб борилди. Очиқчасига айтавериш керак, бу дарсликдан фойдаланиб, ўқувчиларга сабоқ беришимизга қулайлик томонлари жуда кўп. Бу бизни қувонтирди. Аммо «Ўзбекистон халқлари тарихи» дарслиги нуқсонлардан ҳам холи эмас. Масалан, аввало, дарсликда ҳар бир давр манбааларига кенг ўрин берилмаган. Шунингдек, янгиланиш жараёни муносабати билан китоб шошма-шошарликда ёзилганлиги, таржима шаклига ўхшашлиги ва шу каби нуқсонлар кўзга ташланади.

Назаримда бу дарсликни ҳам қайтадан пишитиб, кейин тавсия қилинса, ёмон бўлмасди. Акс ҳолда ўқувчиларимиз эскича савия, эскича тушунча билан қолиб келаверади. Жамиятимизни янгилаш, қолаверса, мустақил Ўзбекистонимизнинг истиқлоли сари дадил қадам ташлаётган эканмиз унинг ворислари, келажак авлодимиз бўлган ўқувчилар ўтмиш тарихимизни «чегараланган китоб»лар орқали эмас, балки уни қандай бўлса, шундайлигича билиб олсалар, фойдадан холи бўлмасди...

Б. ДАВИРОВ,
Самарқанд вилояти Пастдарғом ноҳиясидаги 31-мактабнинг тарих ўқитувчиси.

«ЯНГИ БИНОДА— ЯНГИЛАНИШ БЎЛСИН!»

Жумҳуриятимизда мусиқа муаллимлари ва мактабгача тарбия мураббийлари тайёрловчи етакчи илм масканларидан бири бўлган Юнус Ражабий номли педагогика билим юрти ҳаётида муҳим янгилик юз берди. Бир неча йиллардан бери қурилиши чўзилиб келаётган илм даргоҳининг янги биноси ниҳоят поёнига етиб, эгалари ихтиёрига топширилди.

Пойтахтнинг ҳуснига ҳусн қўшиб, муҳташам сарой мисол савлат тўкиб, қад ростлаган бу бинода бўлғуси мусиқа муаллимлари ҳамда тарбиячиларнинг бекамикўст билим эгаллашлари ва етук мутахассис бўлишлари учун барча шароитлар муҳайё. Унинг умумий сатҳи 6500 кв. метрни ташкил этиб, кенг ва ёруғ синф хоналари, қулай ва шинам дарсхоналар 860 ўринга мўлжаллангандир.

Куни-кеча гўзал масканнинг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Маросимга Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев, вазир муовинлари Ю. Абдуллаев, Ҳ. Йўлдошев, М. Султонов ҳамда вазирликнинг бошқа масъул ходимлари, билим юртида кўп йиллар хизмат қилган меҳнат фахрийлари, Тошкент шаҳар қурилиш бош бошқармасининг мутасадди ходимлари ва жуда кўп меҳмонлар ташриф буюрдилар.

Халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев билим юрти ўқувчилари ҳамда муаллимлар жамоасини янги ўқув биноси ишга туширилганлиги билан қутлади.

Тантанада билим юртида 30 йилдан зиёд меҳнат қилган кекса педагог Е. К. Сбятникова барчани фахрийлар номидан табриклаб, иқтисодий қийинчиликлар ҳукм сураётган мураккаб бир даврда ушбу қурилишнинг ниҳоясига етказилишининг ўзи таълимга катта эътибордан далолат эканини таъкидлади.

Академик Юнус Ражабий фарзанди Ҳасан Ражабий сўз олиб, қутловдан сўнг Жамол Камол сўзи билан «Бастакор Юнус отам» қўшиғини айтиб берди. Шундан кейин ўқувчи ва муаллимлар иштирокида тайёрланган концерт намойиш этилди. Иқтидорли ўқувчиларнинг дилрабо куй-қўшиқлари, рақслари барчага маъқул бўлди.

Гулчеҳра САЪДУЛЛАЕВА.

1992 ЙИЛГИ ҚАБУЛ ҚОИДАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги педагогика олий ва ўрта ўқув юртлари учун 1992 йилги қабул қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида буйруқ чиқарди. Бундан мақсад Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика олий ўқув юртларининг кундузги бўлимларига қабул қилишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармонини ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 9 апрелдаги 181-сонли қарорини бажариш ҳамда Вазирлик ихтиёридаги педагогика олий ва ўрта ўқув юртларига 1992 йилда қабулни талаб даражасида ўтказишдир.

Буйруқда қайд этилганидек, Вазирлик ўз ихтиёридаги педагогика олий ўқув юртларининг «Мусиқа», «Чизмачилик ва тасвирий санъат», «Жисмоний тарбия», «Чақириқгача ҳарбий таълим» мутахассисликларининг кундузги ва барча мутахассисликларнинг сиртқи бўлимларига, ўрта педагогика ўқув юртларига 1992 йил учун қабул қоидалари тасдиқланди.

Педагогика ўқув юртларининг қабул комиссияларига қабул қоидаларига қатъий риоя қилган ҳолда қабулни ўтказилишини таъминлаш, барча ўқитиш шаклларига талабалар ва ўқувчилар қабул қилишни тайёргарлиги юқори ва касбга йўналтирилган ёшлардан сифатли танлаб олишни ташкил этиш, шунингдек, қабулни ташкил қилиш ва ўтказишда қабул комиссияларига амалий ва методик ёрдам кўрсатиш сингари долзарб вазифалар топширилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ИХТИЁРИДАГИ ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ «МУСИҚА», «ЧИЗМАЧИЛИК ВА ТАСВИРИЙ САНЪАТ», «ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ», «ЧАҚИРИҚГАЧА ҲАРБИЙ ТАЪЛИМ» МУТАХАССИСЛИКЛАРНИНГ КУНДУЗГИ ВА ҲАММА МУТАХАССИСЛИКЛАРНИНГ СИРТҚИ БЎЛИМЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ихтиёридаги педагогика олий ўқув юртларининг эълон қилинаётган мутахассисликларига, ўрта (ёки олий) маълумотга эга бўлган Ўзбекистон фуқаролари ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи чет эл фуқаролари қабул қилинадилар.

2. Барча ўқишга кирувчилар, ўзларининг келиб чиқишларидан, жинсларидан, она тилларидан, ижтимоий ва моддий шароитларидан, ирқлари ва миллатларидан, эътиқодларидан, қайси партия ва динга мансубликларидан ёки муносабатларидан ва ёшларидан қатъий назар тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

3. Олий ўқув юртига кирувчилар ўз аризаларига қўшиб, ўрта ёки олий маълумотлари ҳақидаги ҳужжатнинг асли, 086/У шаклидаги тиббий маълумотномани, 3х4 см ўлчамли 6 та фотосуратни илова қиладилар, паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорликлари ҳақидаги ҳужжатни кўрсатадилар.

Сиртқи бўлимга кирувчилар, меҳнат дафтарчаларидан ёки жамоа хўжалиги аъзоси дафтарчаларидан кўчирмани ҳам қабул комиссиясига топширишлари зарур.

4. Эълон қилинаётган мутахассисликларнинг кундузги ўқишига ҳужжатлар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади, имтиҳонлар 1 августдан бошланади. Ўқишга қабул қилиш 22 августгача тугалланади.

Сиртқи ўқиш учун ҳужжатларни қабул қилиш ва қабул имтиҳонларининг муддати олий ўқув юртлари томонидан белгиланади. Сиртқи ўқишга қабул қилиш 10 июлгача тугалланади.

5. Педагогика олий ўқув юрти қабул комиссияларига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан дастлаб келишилган ҳолда қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

— ҳужжатлар қабули даврида кирувчиларни танлаган касбларига бўлган лаёқатларини аниқлаш бўйича синов (суҳбат) ўтказиш;

— имтиҳонлар ва уларни ўтказиш шаклларини белгилаш;

— қабул комиссияларини белгиланган муддатлардан олдинроқ жойларга бориб олимпиада шаклида кириш имтиҳони олишини ташкил қилиш;

— вазирликда қайд этилган олий ўқув юрти қошидаги лицейларда, махсус истеъдодли болалар мактаб ва мактаб-интернатларида ва педагогик синфларида, олийгоҳ ўқитувчиларининг бевосита иштирокида, ўтказилган битирувчи имтиҳон натижаларини кириш имтиҳонлари билан тенглаштириш;

— соҳага оид (танлов) имтиҳонларини белгилаш;

— айрим имтиҳонларни «ўтди» ва «ўтмади» тарзида ўтказиш;

— имтиҳонларда бир хил балл тўплаган кирувчиларни қабул қилиш тартибларини белгилаш.

6. Олий ўқув юрти 2 тадан 3 тагача кириш имтиҳонларини белгилаши мумкин — улардан бири она тили ва адабиётидан ёки таълим олиб бориладиган тилдан (ёзма) бўлиши керак.

Олий ўқув юртларига кираётганлар, қабул имтиҳонларини Ўзбекистон Республикаси давлат тилида ёки таълим олиб бориладиган бошқа тилларда топширадилар.

7. Барча қабул имтиҳонлари, ўрта умумтаълим мактаблари дастурларига мос келадиган дастурлар асосида ўтказилади.

«Мусиқа», «Чизмачилик ва тасвирий санъат», «Жисмоний тарбия» ва «Чақириқгача ҳарбий таълим» мутахассисликлари бўйича имтиҳонлар олий ўқув юртлари томонидан белгиланган дастурлар асосида ўтказилади.

8. Имтиҳонга сабабсиз келмаганлар «2» (икки) ёки «ўта олмади» баҳосини олган кирувчилар қолган имтиҳонларга киритилмайдилар. Имтиҳонларни қайта топширишга рухсат этилмайди.

9. Имтиҳон баҳосидан норозилик аризаси (апелляция) оғзаки имтиҳон топширилган куни ёки ёзма имтиҳон баҳоси эълон қилинган куни берилмоғи лозим. Норозилик аризалари Халқ таълими вазирлиги томонидан 1991 йили тасдиқланган Низом асосида қабул қилинади ва кўриб чиқилади.

10. Ўрта мактабларни тугаллашда олтин (кумуш) медал билан тақдирланганлар, ўрта махсус ўқув юртларини, ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган шахслар қабул комиссияси томонидан белгиланган битта имтиҳон топширадилар. Ана шу имтиҳондан «5» (беш) баҳо олган шахслар бошқа имтиҳонлардан озод қилиниб, олий ўқув юртига қабул қилинадилар. Улар биринчи имтиҳондан бошқа «қониқарли» баҳо олган бўлсалар, у ҳолда барча кириш имтиҳонларини топшириб, умумий танловда қатнашадилар.

Ўрта махсус ўқув юртларини ва ўрта таълим асосидаги ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тугаллаган шахсларга, ушбу қоидалар кираётган мутахассисликлари эгаллаган касбларига монанд келган равишдагина тааллуқлидир.

11. Жумҳурият фан олимпиадаларининг ғолиблари (1-3 ўринлари), Қорақалпоғистон жумҳурияти, вилоят ва Тошкент шаҳар фан олимпиадаларининг 1 ўринни эгаллаган ғолиблари қабул чоғида ,олимпиада фанига монанд келадиган имтиҳондан, имтиҳон варақасига ўша фандан «5» (беш) баҳо қўйилиши орқали озод қилинадилар.

12. Педагогика олий ўқув юртларининг қабул комиссиялари, Халқ таълими вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган, «Ишончдаги ўқитувчи» тажрибасида иштирок этаётган, мактаб ўқитувчиси томонидан ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномага қўйган баҳосини абитуриентнинг имтиҳон варақасига қўйиб берадилар.

13 .Олий ўқув юртига қабул, кирувчиларнинг имтиҳонларда тўплаган баллари миқдори бўйича умумий танлов асосида ўтказилади.

Олий ўқув юртлари тайёрлов бўлимларини битирувчилар битирув имтиҳонларида тўплаган баллари билан мазкур умумий танловда қатнашадилар.

Кириш имтиҳонларида ижобий баҳо олган ҳарбий хизматдан ҳукумат белгилаган тегишли имтиёзлар билан қайтганлиги ҳақида ҳужжатга эга бўлганлар, етимлар ва ота-она қаровисиз қолган болалар ҳамда олий ўқув юртларида таълим олишлари ва дарсларга қатнашишлари мумкин қабилидаги тиббиёт-меҳнат эксперт комиссияларининг руҳсатномалари бўлган 1 ва 2-гуруҳ ногиронлари олий ўқув юртига конкурссиз қабул қилинадилар.

14. 1992-1993 ўқув йилида, маҳаллий халқ таълими бошқармалари ва педагогика ўқув юртлари ўртасидаги шартномаларида кўрсатилган мақсадли қабул қилиш шартлари сақланиб қолади.

15. Педагогика олий ўқув юртларининг сиртқи бўлимларига, аксарият халқ таълими соҳасида ишлаётган фуқаролар қабул қилинадилар.

16. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олишга танлов, биринчи навбатда касби бўйича танлаган мутахассислигида камида бир йил меҳнат стажига эга шахслар, сўнгги уч йил оралиғида ҳарбий хизматдан қайтганлар, бир-бирига мос мутахассисликларга кираётган ўрта педагогик ва ҳунар-техника билим юртларини битирувчилар орасида ўтказилади. Ушбу шахслар ўртасида танлов бўлмаган тақдирдагина, қолган жойларга, танлов асосида, бошқа абитуриентлар қабул қилинадилар.

17. Қабул билан боғлиқ бўлган, қолган барча масалалар олий ўқув юртларининг қабул комиссиялари томонидан ҳал этилади.

ЭСЛАТМА: Юқоридаги қабул қоидалари Низомий номли Тошкент, Республика рус тили ва адабиёти, Тошкент вилоят, Жиззах, Қўқон, Навоий ва Нукус давлат педагогика институтларига тааллуқлидир.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ИХТИЁРИДАГИ ЎРТА ПЕДАГОГИКА ЎҚУВ ЮРТЛАРИ

1. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ихтиёридаги ўрта педагогика ўқув юртларига Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва Ўзбекистон ҳудудида яшовчи чет эл фуқаролари қабул қилинадилар.

Ўрта педагогика ўқув юртларига умумий таълим мактабларини асосий ёки ўрта ҳажмида маълумотга эга шахслар қабул қилинадилар.

Индустриал-педагогика техникумларига ҳунар-техника билим юртларини битирувчилар, техникум мутахассислигига мос келувчи III разряддан кам бўлмаган ишчи ихтисосига эга бўлган ўрта маълумотли шахслар қабул қилинадилар.

2. Барча ўқишга кирувчилар, ўзларининг келиб чиқишларидан, жинсларидан, она тилларидан, ижтимоий ва моддий шароитларидан, ирқлари ва миллатларидан, эътиқодларидан, қайси партия ва динга мансубликларидан ёки муносабатларидан қатъий назар тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

3. Ўрта педагогика ўқув юртига қабул қилишларини сўраб ёзган аризаларига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни ҳам қўшиб топширадилар: маълумоти ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси, 086/У шаклидаги тиббиёт маълумотномаси, маъмурият томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан ёки жамоа хўжалиги аъзоси дафтарчасидан кўчирма (амалий иш стажи борлар учун), 3х4 см ўлчамли 6 та фотосурат, паспорт (туғилганлиги ҳақида гувоҳнома)ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжатлар қабул комиссиясига кирувчилар томонидан шахсан кўрсатилади.

4. Кундузги бўлимга ҳужжатлар 25 июндан 31 июлгача қабул қилинади, имтиҳонлар 1 августдан бошланади, талабаликка қабул жараёни 22 августгача тугалланади.

Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун ҳужжатларни қабул қилиш ва қабул имтиҳонларининг муддати ўқув юртлари томонидан белгиланади. Талабаликка қабул қилиш 25 июнгача тугалланади.

5. Ўрта педагогика ўқув юртлари қабул комиссияларига Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан олдиндан келишилган ҳолда қуйидаги ҳуқуқлар берилади:

— сайёр имтиҳон комиссиялари ташкил этиш;

— истеъдодли болалар мактаб-интернатлари, педагогик синфлар битирув имтиҳонларидан олган баҳоларини агар унда ўқув юрти имтиҳон комиссиялари қатнашган бўлсалар, кириш имтиҳонларига тенглаштириш.

6. Ўрта педагогика ўқув юртига кирувчилар (0302 «Меҳнат таълими» мутахассислигидан бошқа) ҳамма мутахассисликлар бўйича мутахассисликдан (оғзаки) ва она тилидан (диктант) кириш имтиҳони топширадилар.

0302 «Меҳнат таълими» бўйича кирувчилар она тилидан (диктант) ва математикадан (оғзаки) имтиҳон топширадилар.

Индустриал-педагогика техникумларига кирувчилар мутахассисликдан (ихтисоси бўйича синов), она тилидан (диктант) ва математикадан (оғзаки) кириш имтиҳонларини топширадилар.

Ўқув юртига кираётганлар, қабул имтиҳонларини Ўзбекитон Республикаси Давлат тилида ёки таълим олиб бориладиган бошқа тилларда топширадилар.

7. Кириш имтиҳонлари (мутахассислик бўйича имтиҳон бундан мустасно) умумтаълим мактабининг ўрта ёки асосий ҳажмига мувофиқ келадиган дастурлари асосида ўтказилади.

Мутахассислик бўйича кириш имтиҳони, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан тасдиқланган дастурлар асосида ўтказилади.

8. Ҳунар-техника билим юртларининг кундузги шаклини битирганларга бевосита билим юртини тамомлагандан сўнг ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқишга кириш ҳуқуқи берилади.

9. Ўрта мактабларни тугаллашда олтин (кумуш) медаль билан тақдирланганлар, ҳунар-техника билим юртларини имтиёзли диплом билан тамомлаган шахслар мутахассислик фанидан битта кириш имтиҳони топширадилар. Ундан ижобий баҳо олганлар талабаликка қабул қилинадилар.

Умумтаълим мактабининг асосий қисмини (9-синф) аълога якунлаган шахслар мутахассислик фанидан «5» баҳо олсалар, иккинчи имтиҳондан озод қилинадилар. «4» ва «3» баҳо олган тақдирларида иккинчи имтиҳонни топшириб, умумий танловда қатнашадилар.

0302 «Меҳнат таълими» мутахассислигига кирувчилар ўқув юрти қабул комиссияси белгилаган фандан кириш имтиҳони топширадилар ва юқорида келтирилган тартибда талабаликка қабул қилинадилар.

Ҳунар-техника билим юртини имтиёзли диплом билан тугаллаган шахсларга ушбу қоидалар, кираётган мутахассисликлари эгаллаган касбларига монанд келган равишдагина тааллуқлидир.

Ҳунар-техника билим юртларида касб эгаллаш билан бирга тўла ўрта маълумот олган ва ўқишни имтиёзли диплом билан тугатган шахслар индустриал-педагогика техникумларига имтиҳонсиз қабул қилинадилар.

10. Жумҳурият фан олимпиадаларининг ғолиблари (1-3 ўринлар), Қорақалпоғистон Жумҳурияти, вилоят ва Тошкент шаҳар фан олимпиадаларининг 1-ўринни эгаллаган ғолиблари педагогика ўқув юртларига қабул чоғида, олимпиада фанига монанд келадиган имтиҳондан, имтиҳон варақасига ўша фандан «5» (беш) баҳо қўйилиши орқали озод қилинадилар.

11. Ўрта педагогика ўқув юртларининг қабул комиссиялари, Халқ таълими вазирлиги буйруғи билан тасдиқланган, «Ишончдаги ўқитувчи» тажрибасида иштирок этаётган, мактаб ўқитувчиси томонидан ўрта маълумот ҳақидаги шаҳодатномага қўйган баҳосини абитуриентнинг имтиҳон варақасига қўйиб берадилар.

12. Абитуриентлар томонидан кириш имтиҳонларида тўпланган баллар асосида, умумий танловга биноан ўрта педагогика ўқув юртига қабул ўтказилади.

Танлов баллари бир хил бўлиб қолган вақтда кундузги бўлимга қабул ўқув юрти қабул комиссияси белгилаган шартлар асосида ўтказилади.

Кириш имтиҳонларидан ижобий баҳолар олган тақдирда, етим болалар ва ота-оналар қаровисиз қолганлар; ушбу мутахассислик бўйича таълим олишлари мумкин бўлган тиббиёт-меҳнат эксперт комиссияларининг рухсатномаларига эга I ва II гуруҳ ногиронлари; ҳарбий хизматдан ҳукумат белгилаган тегишли имтиёзлар билан қайтганлиги ҳақида ҳужжатга эга бўлганлар; ўқув юртлари билан маҳаллий халқ таълими бошқармалари, корхоналар, колхозлар, совхозлар ўртасидаги педагогик кадрларни мақсадли равишда тайёрлаш ҳақидаги шартнома асосида ўқишга кираётган шахслар танловсиз қабул қилинадилар.

13. Ўрта ўқув юртларига ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқишга, аксарият, халқ таълими соҳасида ишлаётган ёшлар қабул қилинадилар.

14. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун биринчи галда танлов билан, танлаган мутахассисликлари бўйича камида бир йил ишлаётганлар, сўнгги уч йил ичида ҳарбий хизматдан қайтганлар, фарзандлари 3 ёшгача бўлган ишламаётган аёллар, эгаллаган касбларига монанд мутахассисликка кираётган ҳунар-техника билим юртларининг битирувчилари қабул қилинадилар.

15. Имтиҳон баҳосини ўзгартириш масаласи бўйича ёзилган норозилик аризаси оғзаки имтиҳон топширилган кун ёки ёзма имтиҳоннинг баҳоси эълон қилинган куни берилмоғи лозим. Норозилик аризасини бериш ёки уни кўриб чиқиш тартибини ўқув юртининг қабул комиссияси белгилайди.

16. Қабул билан боғлиқ қолган барча масалалар ўқув юртларининг қабул комиссиялари томонидан ҳал этилади.

БОШ ҲАКАМ — БОЛАЛАР

Маълумки, кейинги пайтларда халқ таълими тизимида турли хилдаги конкурслар, беллашувларнинг тури тобора кенг қулоч ёзмоқда. Бундан кўзланган асосий мақсад ёшлар таълим-тарбиясини яхши йўлга қўйиш, шунингдек, мураббийларни ижодкорликка ундашдир.

Тошкентда илк бор ўтказилган республика ички ишлар тизими мактабгача тарбия болалар муассасалари ўртасида «Тарбиячи — 92» жумҳурият танлови ҳам яхши якунланиб, ўз самарасини бериш билан бирга, мактабгача тарбия муассасаларидаги илғор тажриба ва методларни аниқлаб олишга имкон яратди.

Танловда ҳамма вилоятлардан вакилдар иштирок этдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Хоразм, Тошкент шаҳри, Қарши, Бухоро ва Андижон шаҳридан келган вакилларнинг кўрсатган маҳоратлари жойларда ишнинг яхши ташкил этилганидан, бой тажрибаларнинг тўпланганлигидан далолатдир.

— Аввало, мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг бу борада ўтказилган танловидан ғоят хурсандман. Чунончи, бу тадбир фақат синовгина бўлиб қолмасдан, балки ўзаро тажрибалар алмашиб олишимизга ҳам кенг имкон яратди, — дейди.

Танлов ғолиби Тошкент шаҳридаги 3-болалар боғчасининг тарбиячиси Қундузхон Неъматова. — Аммо шунга қарамай айрим вилоятлардан вакилларнинг қатнашмаганлиги ачинарли ҳол.

Хуллас, жумҳурият мактабгача тарбия муассасалари ходимларининг «Тарбиячи — 92» танлови якунланди, ғолиблар аниқланиб, совринли мукофотлар, совға-саломлар ҳам топширилди. Қизиғи шундаки ,бу анжуманнинг бош ҳаками болажонлар эди...

И. ДАНЧЕВСКАЯ.

Ҳ. ШОДИЕВ суратлари.

ИНСОН ВА ЖАМИЯТ

Шахсий меҳнатга асосланувчи хусусий хўжаликларда даромадлар хўжаликни олиб бориш самарадорлигига боғлиқ. Маҳсулот сотиш учун ишлаб чиқарилганлиги туфайли ҳар қандай корхона фаолиятининг натижалари бозорда ташкил топадиган баҳоларга бевосита боғлиқ бўлади. Бу ҳақда кейинчалик гапирилади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР:

1. Ижтимоий ишлаб чиқариш қандай амал қилади?
2. Мамлакатда турмуш даражаси нимага боғлиқ?
3. Ҳозирги дунёда мулкнинг қандай шакллари мавжуд?
4. Ишлаб чиқариш билан тақсимотнинг ўзаро алоқаси қандай?
5. К. Марксниг «Елланма меҳнат ҳақ тўланган ва ҳақ тўланмаган меҳнатдан иборат» — деган сўзларини сиз қандай тушунасиз?

20. ҲОЗИРГИ ЗАМОН ИҚТИСОДИЁТИДА БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИ

XX асрда жамиятнинг ривожланиши иқтисодий ҳаётни ташкил этишнинг бир-биридан анча фарқ қиладиган иккита варианти бўлиши мумкиндигини кўрсатди. Булардан бири — бозор иқтисодиёти. Иккинчиси — буйруқбозлик иқтисодиёти. Улар қай тарика ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш ҳақидаги; ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимот тизимида инсоннинг ўрни, унинг маънавий қадриятлари тўғрисидаги масалаларни турлича ҳал қиладилар.

Бозор иқтисодиётида бу масалалар бозор йўли билан тартибга солиб турилади. Бозор — моллар алмашиладиган майдондир. Баъзан бозор деганда савдо-сотиқ рўй берадиган муайян жой (бозор, ярмарка) тушунилади. Аммо биз бозор тушунчасини бошқача маънода ишлатамиз: бозор — минтақа, мамлакат ёки бутун дунё кўламида молларни таклиф қилиш ва уларга бўлган талабни ҳисобга олиш воситасидир. Бозор воситасида мол ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар ўзаро муносабатда бўладилар.

Буйруқбозлик иқтисодиётида ишлаб чиқариш ва тақсимот масалаларига оид барча қарорлар бошқарувнинг марказий органлари (ҳукумат) томонидан қабул қилинади. Мол ишлаб чиқарувчилар давлат режаларини қатъий бажаришлари лозим.

Бозор ва иқтисодий ҳаётда унинг роли. Бозорнинг учта энг муҳим белгиси бор. Биринчи белгиси — бошқарилмайдиган таклиф (ишлаб чиқарувчилар қандай молларни қанча миқдорда ишлаб чиқаришни ўзларича ҳал этадилар). Иккинчи белгиси — бошқарилмайдиган талаб (харидорлар нимани ва қанча миқдорда сотиб олишни мустақил белгилайдилар). Учинчи белгиси — талаб билан таклифни мувозанатлаштирувчи бошқарилмайдиган нарх (нарх талаб билан таклифни нима учун мувозанатлаштириши ҳақида мулоҳаза юритиб кўринг). Ҳар учала белги бўлса бозорнинг ўзи йўлга тушиб кетади ёки хўжалик фаолияти бозор орқали йўлга солиб турилади.

Бозор механизмида иккита объектив иқтисодий қонун: қиймат қонуни ҳамда талаб ва таклиф қонуни амал қилади. Биринчи қонун, биз юқорида кўрганимиздек, ўртача нархлар даражасини шакллантиради, иккинчи қонун бозорда вужудга келадиган пул ва товар оқимлари нисбатини белгилайди. Бу қонунлар амал қилишини конкретроқ кўриб чиқайлик.

Товар бозорга келиб тушганида унинг қиймати пул билан ифодаланади ва бу нарса товарнинг нархи деб аталади. Аммо товарнинг доллар, фунт стерлинг, франк, марка, сўм ва бошқа пул бирликларида ифодаланган нархи қийматнинг аниқ ифодаси бўлмайди. Нарх товар қийматидан юқори ё паст бўлиши мумкин. Бу нарса бозордаги талаб ва таклифга боғлиқ. Агар товарга бўлган талаб таклифдан ортиқ бўлса (харид қилмоқчилар кўпу товарлар кам бўлса), товарнинг нархи ортади. Агар таклиф талабдан ортиқ бўлса, нарх пасаяди.

Нархнинг ортиб-тушиб туриши товар ишлаб чиқарувчилар фаолиятига таъсир кўрсатади. Нарх юқори бўлса —фойда кўпроқ бўлади. Нарх пасайса фойда камаяди. Масалан, сабзавот нархи ошса, уларни етиштириш фойдали бўлади, бу эса ишлаб чиқаришни кенгайтиришга ундайди. Аммо бозорга кўплаб миқдорда сабзавот келтирилса, демак таклиф кўпаяди. Талаб ҳам шунга мувофиқ ошмаса нарх пасаяди, яъни талаб билан таклиф нархнинг пастроқ даражасида мувозанатлашади ва сабзавот етиштириш фойдали бўлмай қолиши мумкин. Товар ишлаб чиқарувчилар фойдалироқ маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятини қидира бошлайдилар.

Шу тарзда, бозор ишлаб чиқаришни тартибга солиб туради, нималарни қандай сифат билан ва қанча миқдорда ишлаб чиқариш хусусида нархлар орқали ишлаб чиқарувчини «хабардор қилади». Аммо бозорнинг таъсири шу билангина чекланмайди.

Бу таъсирни тўлароқ тасаввур қилиш учун товар қиймати нималардан таркиб топишини билиб олиш керак. Биз қиймат — ашёга айланган меҳнатдир, деймиз. Аммо ҳар бир товарда бир кишининг эмас, балки кўпгина ишлаб чиқарувчиларнинг меҳнати бор, буни бир мисол орқали тушунтирамиз.

Тикувчилик фабрикаси бир туркум кўйлак ишлаб чиқарди. Бу кўйлакларга фабрика ишчиларининггина эмас, балки газлама, ип, тугма ва фойдаланилган бошқа материалларни ишлаб чиқарган кишиларнинг ҳам меҳнати, шунингдек меҳнат қуроллари сарфланган. Бошқача қилиб айтганда, ишчиларнинг жонли меҳнати билан яратилган янги қийматгина эмас, балки илгари ҳосил қилинган материаллар (аввало, хом ашё) қиймати, сарфланган электр қувватининг, машиналар амортизациясининг, яъни иш жараёнида улар нураган қисмининг қиймати ҳам қўшилади. Кўйлакларнинг янги туркумини ишлаб чиқариш учун фабрика эгаси дастлабки туркумни сотиши ва олинган пулга янги газлама, бошқа материаллар сотиб олиши, керак бўлса машиналарни таъмирлаши, шунингдек ишчиларга иш ҳақи тўлаши керак.

Масалан, тикилган кўйлакларнинг қиймати 200 минг пул бирлигида (сўм, доллар, марка, франк ва ҳоказоларда) ифодаланади дейлик. 100 минги —хом ашё материаллардан фойдаланиш харажатлари, бошқача қилиб айтганда бу материалларнинг кўйлак қийматига кирган қиймати. 50 минги — иш кунлари учун ишчилар ва уларнинг оила аъзолари турмушини таъминловчи товарлар ва хизматлар қиймати, яъни уларнинг меҳнати билан ҳосил қилинган ва иш ҳақи тарзда олинадиган қийматнинг бир қисми. Қолган 50 мингичи? Бу янгитдан вужудга келтирилган қийматнинг бошқа қисми бўлиб, корхона фойдасини ташкил қилади. Корхона эгаси солиқларни тўлаб бўлганидан кейин бу фойдадан ўз билгича фойдаланиши мумкин.

Бозорда талаб таклифдан кўпроқ бўлса, кўйлакнинг нархи унинг қийматидан юқорироқ бўлади. Масалан, кўйлаклар туркумини 250 мингга сотишга муваффақ бўлинса, фойда 100 мингни ташкил қилади.

Талаб кам бўлса, нарх товар қийматидан арзонроқ бўлади. Масалан, кўйлаклар туркумини 150 мингга сотишга тўғри келса, фойда бўлмайди. Олинган маблағ сотиб олинган материаллар харажати, шунингдек ишчиларнинг иш ҳақи харажатлари ўрнини қоплайди, холос.

(Боши ўтган сонларда).

(Давоми бор).

ШАРОФНОМА

ҲАР УЧРАШУВ ЎЗИ БИР ДОСТОН

Суратда: С. Ражабов, Ш. Рашидов ва ҳамкасбларига педагогика фанини ривожлантириш ҳақидаги истакларини билдирмоқда.

Сидиқ РАЖАБОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўсатган фан арбоби, педагогика фанлари доктори, профессор.

ДАСТЛАБКИ МУЛОҚОТ

Улуғ Ватан урушининг учинчи йилига ўтганда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи котиби Усмон Юсупов республикамизнинг бир неча вилоятларида бўлиб, партия, совет ва хўжалик фаоллари билан суҳбатлашди. Ва ниҳоят, фронт орқасини мустаҳкамлаш, фашизмга қарши жанг қилаётган армиямизга мадад беришга сафарбар этишга ҳаракат қилди.

Усмон Юсуповнинг республика бўйлаб қилган сафарининг охири Самарқанд вилоятига тўғри келди. Область партия комитети ходимлари ва хўжалик фаоллари билан бўлиб ўтган суҳбатлардан шу нарса аниқландики, вилоят бўйича ғалла, пахта тайёрлаш ва давлатга топшириш, қолаверса, сут, гўшт, мева, тери ва жун тайёрлаш режалари ҳам 1942 йилда бажарилмади, 1943 йилнинг биринчи ярми хавф остида қолди.

Ўша пайтда йўл қўйилган хато ва камчиликларнинг муҳимлиги назарда тутилиб вилоят партия комитетининг пленуми чақирилди. Унда йўл қўйилган хато ва камчиликлар чуқур таҳлил қилиниб, бажариладиган вазифалар дастури ишлаб чиқилди. Бу ҳақда Ў. Юсуповнинг ўзи маъруза қилди. Пленумда ташкилий масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Усмон Юсупов Тошкентга келиши билан Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг навбатдан ташқари фавқулодда бюросини чақириб, вилоятлар бўйича қилган сафари, кўрган чора-тадбирлари ҳақида маъруза қилиб, Самарқанд вилоятида юз берган катта хато ва камчиликларнинг олдини олиш ва янги сайланган раҳбариятга ёрдам бериш масаласини ўртага қўйди. Бюро аъзолари бу таклифни маъқуллашди. Самарқанд вилоятида юз берган камчиликларни тугатиш ва керакли ёрдам бериш мақсадида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг иккинчи котиби Ломакин бошчилигида ҳукумат комиссияси тузилди. Унинг таркибига республика партия, совет ва хўжалик раҳбарлари жалб қилинди.

Ҳукумат комиссиясига Ўзбекистон КП Марказий Комитети ташвиқот ва тарғибот бўлими мудирининг ўринбосари — мени ҳам киритишган эди.

Ҳукумат комиссияси зудлик билан Самарқандга етиб келди. Ломакин таклифи билан вилоят партия, совет ва хўжалик фаоллари-нинг кенгаши чақирилди.

Пленум охирида менга ҳам сўз берилди. Мен фронтларда юз бераётган воқеа-ҳодисалар, ўзбек жангчиларининг қаҳрамонликлари ҳақида, ўзбек тилида газеталар чиқариш ва жанг майдонларига санъат ходимлари, артистлар юбориш, шунингдек, фронт орқасидаги Ўзбекистонда ташвиқот-тарғиботчилик ишларини кенгайтириш, халқни сафарбар этиш вазифалари ҳақида маъруза қилдим.

Пленум ўз ишини Самарқанд вилояти комитетининг органи бўлган «Ленин йўли» вилоят газетасининг муҳаррири Шароф Рашидовнинг маърузаси билан тугаллади. Шароф Рашидов газета саҳифаларида олиб бораётган тарғибот-ташвиқотчилик ишлари, фронтдан келаётган мактублар ва жангчиларга юборилган хатлар, халқимизни Ватанга, бўлажак ғалабаларимизга ишонч ва садоқат руҳида олиб бораётган мазмунли ишлари ҳақида ахборот берди.

Пленум тугаши билан Ломакин Тошкентга жўнаб кетди ва менга комиссия ишларига ўзинг бош-қош бўласан, ҳар уч кунда телефон орқали ишларнинг бориши ҳақида ҳисоб бериб турасан, деди.

Мен Самарқанд вилоятидаги оғир районлардан бири Жомбойдаги ишларга масъул бўлдим. Шу билан бирга умумий раҳбарлик ҳам қилдим.

Самарқандга келганимизнинг учинчи куни эди. Эрталаб соат ўнларда вилоят партия комитетининг ходими келиб «Сизни ёзувчи Садриддин Айний излаб кепти, қабул қилишингизни сўраяптилар», — деди. Мен Садриддин Айний номини эшитишим билан югуриб тушиб, у кишининг қўлтиқларидан суяб ўтирган хонамга олиб келдим. Илгари таниш бўлганлигимиз, яъни Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг Тошкентда фашизмга қарши ўтказган митингида учрашганимиз учун бу сафарги мулоқотимиз самимий дўстона бўлди.

Салом-аликдан кейин домла менга қараб «Писар, хушомадед шаҳри моба», яъни «Ўғлим, бизнинг шаҳримизга хуш келибсиз», — дедилар. Шундан кейин суҳбатимиз бошланиб кетди. Суҳбат давомида у киши менга шундай дедилар: «Хабарингиз бор, мен икки тилда: форс ва туркий тилларда ижод қиламан. Менинг тадқиқот объектларим классиклар. Кейинги вақтларда Навоий ижоди, унинг катта туганмас хазинасига қўл урдим. Анча нарсаларни қоғозга тушириб қўйдим. Асосий иш жойим — Самарқанд дорилфунуни. Асарнинг нашрига келсак раҳбарлар «Домла, бироз сабр қилинг, қоғоз имкониятини излаяпмиз», — дедилар. Тошкент нашриётига хат ёзсам, яна «қоғоз танқислиги» ҳақида жавоб олдим. Менинг у кишига жавобим қуйидагича бўлди: «Ёзув-чизув ишларингизни канда қилмай давом қилдираверинг. Ижозат қилсангиз бу масала билан ўзим шуғулланиб кўрсам».

«Домла, классик адабиёт кафедрангизда кимлар бор» — деган саволимга «Воҳид Абдуллаев, Шароф Рашидов» жавобини эшитиб жуда ҳурсанд бўлдим. Мен Воҳид Абдуллаев билан йигирма ёшимизда Фарғона институтининг ижтимоий адабиёт факультетида бирга ўқиганмиз. Воҳид Абдуллаев билан ўша пайтдан бошлаб дўст эдим. Олдинма-кейин фан доктори бўлдик. Кейинчалик у киши Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, мен эса СССР Педагогика Фанлар академиясига академик бўлиб сайландик.

Шароф Рашидов билан биринчи учрашувимиз Ўзбекистон КП Марказий Комитетида бўлган эди. Ш. Рашидов Улуғ Ватан урушидан ярадор бўлиб қайтгач, уни вилоят партия комитети «Ленин йўли» газетасига муҳаррирликка номзод қилиб тавсия қилган эди. Шу муносабат билан унинг ўзи, деловлари билан танишган эдим. Ўзбекистон Марказқўми уни бир овоздан бу ишга тасдиқлаган эди.

Шароф Рашидов ҳушёр, ақлли, тил ва адабиётни яхши биладиган йигит эди. Шу ҳақда домла Садриддин Айнийдан сўраганимда шундай жавоб олган эдим: «Шароф Рашидов ўткир зеҳнли, хотираси яхши, бир қанча шеър ва ҳикояларни ёддан билади. Навоийнинг айрим асарларини меъёрига етказиб айта олади. Ёш бўлишига қарамасдан газета-саҳифаларида анчагина шеър ва мақолалари чоп қилинди, шеърий китобчалари нашр этилянти. Талабаларга адабиётдан дарс беради. Ўқувчилар унинг ҳар бир дарсини мириқиб тинглашади. Ўзи ҳам ҳар дарсдан кейин руҳан тетиклашади. Ҳусни ва қадди-қомати қилаётган ишига, ёзаётган шеърларига мос. Ишқилиб, ёмон кўздан асрасин. У адабиётимизнинг яхши намояндаси бўлади».

Оғир жанглар кетаётган ва халқ бошига кулфат тушган бир пайтда бундан кейин учрашиш насиб қиладими, йўқми, деган ташвишда домлага шундай мурожаат қилдим: «Агар ижозат қилсангиз бу ажойиб имкониятдан фойдаланиб, иккала шогирдингизни ҳам чақиртириб суҳбатни давом қилдирсак, менларнинг дийдорини кўришга ошиқяпман». Домла рози бўлдилар. Шу заҳоти ўртоқларнинг биттасидан В. Абдуллаев билан Ш. Рашидовни чақириб келишларини илтимос қилдик. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас ҳар иккаласи ҳам ҳозир бўлдилар. Суҳбатимиз фронтдаги аҳвол, жангчиларимизнинг ғалабаси, бераётган қурбон ва талофатлар, республикада олиб борилаётган ишлар, шундай оғир шароитда ўрта ва олий таълим мактабларида ўқишлар давом қилаётганлиги, шунингдек, айрим адиб ва ёзувчиларнинг ижодий ишлари ҳақида бўлди. Суҳбатимиз тугагач, уларни машинада уйларига элтиб қўйишди. Биз кечқурун соат саккизда Жомбой районида катта мажлис ўтказишга келишган эдик. Ўша пайтда Жомбой райони партия комитетининг биринчи котиби бўлиб тошкентлик Исоқов ишлар эди.

Мен, Шароф Рашидов ва Воҳид Абдуллаев кечқурун соат 8 да Жомбойда бўлдик. Кўп халқ тўпланган. Мен йиғилишда ҳукумат комиссияси раисининг муовини сифатида нутқ сўзлаб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг қарори, Самарқанд вилояти партия комитети бюроси қарори, қилинаётган ишлар ва галдаги вазифалар ҳақида тўхталдим. Уруш қачон тамом бўлади, колхозимизда у етишмайди, бу етишмайди, деган кўпдан-кўп саволларга жавоб беришга тўғри келди. В. Абдуллаев йиғилганларга Навоий шеъриятидан ва замонавий шоирларнинг шеърларидан ўқиб берди. Ш. Рашидов эса вилоят газетаси орқали олиб борилаётган ишлар ҳақида ахборот берди.

Ўша пайтда Самарқанд вилоят партия комитетининг пленуми Шароф Рашидовни олиб бораётган ташкилий, сиёсий ва тарбиявий ишларини назарда тутиб, уни область партия комитетининг кадрлар бўйича котиби қилиб сайлади. Ш. Рашидов бу лавозимда икки-уч йил ичида катта сиёсий ва ташкилий ишларни, кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш, уларни ўқитиш соҳасидаги ишларни олиб борди. Ш. Рашидовнинг фаолияти Ўзбекистон КП Марказий Комитетини қувонтира бошлади ва унинг келгусига катта ишонч умид уйғонди.

Уруш тугагач, саноатни, қишлоқ хўжалигининг барча тармоқларини, фан ва маорифнинг барча босқичларини, санъат ва мафкуравий ишларни янги вазиятда қайта қуриш ва такомиллаштириш вазифаси ўртага қўйилди. Бу жуда қийин иш эди.

Ўша пайтда мен «Қизил Ўзбекистон» газетасида масъул муҳаррир бўлиб ишлар эдим. Биз, газетчилар ўртага қўйилган вазифаларни бажаришга сидқидилдан киришиб, мафкуравий-тарғибот ишларининг янги турлари ва воситалари ҳақида чора-тадбирлар тузиб, амалий ишларни олиб бордик. Бошланган ишимиз ўз кўлами билан оғир ва мураккаб иш эди.

Республикада асосан иккита газета: «Қизил Ўзбекистон» ва «Правда Востока» нашр қилинар эди. Ҳар иккала газетанинг муҳаррири Марказқўмнинг бюросида қатнашиши ва республикада ўтказиладиган катта-кичик кенгашларда иштирок қилиб, лозим топилганда ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташлаши мумкин эди. Бу муҳаррирнинг жавобгарлик иши, муқаддас бурчи эди.

УСМОН ЮСУПОВ ТАКЛИФИ

1947 йил март ойида чақирилган бюрода «Қизил Ўзбекистон» газетасини яхшилаш, янги иш шароитига ўтиш, кенг оммани газета ишларига жалб қилиш ҳақидаги режаларимиз муҳокама қилинди, қўшимча вазифалар юкланди.

Бюро тугагандан кейин мен Усмон Юсупов билан яккама-якка суҳбатлашдим. Суҳбат давомида Усмон Юсуповга шундай деган эдим: «Мен 1942 йилдан бери газета, Марказий Комитет билан биргаман. Кейинги пайтларда соғлиғимнинг мазаси қочди. Ҳали ёшман, инсон ва унинг тарбиясини такомиллаштириш соҳасидаги педагогика фанлари номзодиман, агар газетадан бўшаб олсам катта ишларга қадам қўймоқчиман». У киши менинг гапларимни самимий тинглаб: «Сиз мени ўйлашга, фикрлашга мажбур қилдингиз. Бу ишда шошилмайлик. Ўртоқлар билан маслаҳатлашиб кўрай», — дедилар.

Орадан анча вақт ўтди. Шу йили октябрь ойида яна бир масалани кўтардим. Кимларни тавсия қилиш масаласида суҳбат олиб бордик. Бу галги суҳбатимизда Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг кадрлар бўйича котиби М. Мирзааҳмедов қатнашди. Мирзааҳмедов Шароф Рашидовнинг фаолиятини кузатиб юрган экан. Биз Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, шоир ва ёзувчи, вилоят газетасининг муҳаррири ва ниҳоят, вилоят партия комитетининг кадрлар бўйича котиби Шароф Рашидов номзоди ҳақида келишиб, маслаҳатлашиб олдик. Шундай қилиб 1947 йил ноябрь ойида Марказий Комитетнинг бюроси Шароф Рашидовни «Қизил Ўзбекистон» газетасининг масъул муҳаррири қилиб тасдиқлади.

1947 йил 11 ноябрь куни Шароф Рашидов муҳарририятга келиб, ўзининг янги вазифасини бошлади. Шу куни Усмон Юсупов менга телефон қилиб «Биз бюро аъзолари маслаҳатлашиб шу фикрга келдикки, сиз Рашидов билан бирга ўтириб керак бўлса бир ой, икки ой газета ишларида ёрдам беришингиз лозим. Гап шундаки, бу кишини вилоят газетасидан республика газетасига олиб келдик. Газетанинг иш жараёни ғоят мураккаб ва хилма-хил. Улар билан аста-секин таништириб бориш, газета атрофидаги қаламкаш ёзувчи ва мухбирлардан ташқари улар ҳақида тўла тасаввур бериш, иш-ижод билан таништириш ва ниҳоят, газета саҳифаларини ўқишда ҳам ҳамкорликда ишлаб ёрдам беришингиз керак».

Шароф Рашидов ҳам, мен ҳам газетанинг фаолиятини яхшилаш ҳақидаги Марказий Комитет аъзоларининг фикрини, орзу-ниятларини тушунар эдик. Мен шу кундан бошлаб икки ой давомида Шароф Рашидов билан бирга юқорида зикр қилинган масалаларни ҳал этишга қаратилган ва газетани сонма-сон яхшилаб бориш умидида самимий ҳамкорлик қилдик. Бунинг натижаси ўлароқ газета саҳифалари кун сайин хилма-хил, ўқиб-ўрганса арзийдиган мазмунга эга бўла бошлади. Янги-янги ижодкорларнинг газета атрофига тортилиши эса кутилган, орзу қилинган ниятларга эришишдан далолат берар эди.

Шундан кейин мен Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг педагогика кафедраси мудирлиги лавозимига қайтдим. Мен илгари шу кафедрадан газета ишига ўтган эдим. Орадан анча ойлар ўтгач, Шароф Рашидов мени муҳарририятга чақириб шундай дедилар: «Кеча Усмон Юсупов мени чақириб Ёзувчилар уюшмасига раис бўлиб ўтсангиз деган умиддамиз. Сабаби шуки, урушдан кейинги тикланиш йиллари давом қиляпти. Бунинг устига Ёзувчилар уюшмасининг жонкуяр котиби, ажойиб инсон, забардаст шоир Ҳамид Олимжон фожиали ҳалок бўлди. Дунёдан кўз юмди. Ёзилаётган асарлар, радиодаги эшиттиришлар, Ёзувчилар уюшмасида бўлиб турган ҳар хил кўнгилсизликлар, интизомсизликлар Марказқўмни қаноатлантирмаяпти. Сиз Ёзувчилар уюшмасининг иш услубини, йўналишини яхши тасаввур қила оласиз. Бу жой энг масъулиятли мафкуравий марказ бўлганлиги учун биз бу лавозимга кимни тавсия қилишни узоқ маслаҳатлашдик. Ижодий суҳбатлар ва тажрибангиз бизни номзодингиз устида тўхташга мажбур қилди. Сиз Ёзувчилар уюшмасига котиб бўлиб боришингиз керак дедилар». Мен у ер жуда оғир участка эканлиги, ҳар бир ижодкор ўзига хос хислатларга эгалиги, Ёзувчилар уюшмасига котиб бўлиш учун ё катта ижодкор, ё катта адиб, бу соҳанинг намояндаси бўлиши кераклиги ҳақида гапирдим. Бироқ Усмон Юсупов: «Сиз жуда тажрибали партия ходимисиз, эртадан бошлаб Ёзувчилар уюшмаси котиби сифатида ишга киришинг,» — дедилар.

Шундай қилиб, Шароф Рашидов «Қизил Ўзбекистон» газетаси муҳаррирлигидан Ёзувчилар уюшмаси котиблиги лавозимига ишга ўтди. Ва ниҳоят, орадан унча кўп ўтмай Ўзбекистон Олий Совети Президиумининг Раиси қилиб сайланди.

НЕРУ БИЛАН СУҲБАТ

Мен Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида қизғин ижодий иш олиб бораётган кунлардан бирида институт ректори Ш. Ш. Абдуллаев телефон қилиб «Эртага соат 11.00 га Шароф Рашидов Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи Жавоҳарлаъл Неруни институтимизга бошлаб келмоқчилар» деди. Биз, институт турли кафедраларининг етакчи ходимлари ўша куни эрталаб соат ўнларда ректор хонасига йиғилиб, азиз меҳмонларни кута бошладик. Ниҳоят, Шароф Рашидов бошчилигида Ж. Неру ва академик В. Зоҳидов учовлари институтга ташриф буюришди. Салом-аликдан кейин Шароф Рашидов сўз олиб ҳинд халқи билан қадимий дўстлигимиз, фан ва савдо-сотиқ ишларидаги ҳамкорлигимиз ва Ҳиндистон ҳукуматининг бошлиғи Ж. Неру яхши ниятлар билан Ўзбекистонга зиёрат қилиб келганликлари ҳақида гапирди. Бунинг учун Ж. Неруга ташаккур изҳор қилди. Шунингдек, Ш. Рашидов: «Биз бу ерга келгунча батафсил суҳбатлашиб олдик, республика халқ хўжалигининг барча соҳалари бўйича тушунчалар бердик. Ҳурматли меҳмоннинг бу илмгоҳга келишидан мақсад таълим-тарбия ва ўқув ишлари билан танишишдир. Энди сўзни Ж. Неру ҳазратларига берамиз» дедилар. Кейин Ж. Неру жаноблари сўз олиб, самимий кутиб олганлик учун ташаккур изҳор этди. Ж. Неру билан учрашув жараёнида шу нарса маълум бўлдики, уни қизиқтираётган асосий масала мактаб ва педагогика тизими. Макаренконинг меросини ўрганиш ва уни амалиётга тадбиқ этиш йўллари билан танишишдан иборат экан. Ж. Неру шу мазмунда савол берганларида Шароф Рашидов менга қараб «Сидиқ ака, бу саволга ўзингиз жавоб бер-сангиз» дедилар. Мен шундай жавоб бердим: «Дарҳақиқат, А. С. Макаренко етим-есир ва безори болаларни тўплаб махсус интернат ташкил қилган. Таълимни ҳаётга, меҳнатга боғлаб олиб бориш йўлларини тарғиб қилган, ўқитишни фаоллаштириш ғояларини илгари сурган. Халқ маорифини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган новатор эди. Бироқ СССРда, Ўзбекистонда мактаб тизими фақат Макаренконинг иш услуби билан чегараланиб қолганича йўқ. Ўқитиш, ўқиш ва тарбия ишлари соҳасида жуда яхши тадбирлар ишлаб чиқилган. Халқ маорифи ишларини яхшилаш борасида Луначарский, Крупская, Ўзбекистонда эса Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Қори-Ниёзий, А. Авлоний новатор педагоглар эди. Айни кунда педагог олимлар ва ўқитувчилар халқ маорифини такомиллаштириш, таълим ва тарбия ишларини юксак даражага кўтариш борасида катта ишларни амалга оширмоқдалар». Шундан кейин Ж. Неру менга: Сизлардаги таълим ва тарбия ишлари коллектив тарзида, хилма-хил йўналишларда олиб борилар экан, бунинг учун катта раҳмат», дедилар.

1960 йилда Шароф Рашидов мени Марказий Комитетнинг бюросига чақириб шундай деди: «Сидиқ Ражабович, сиз ҳозиргача педагогика фанлари соҳасида якка-ю ягона фан докторисиз, профессорсиз, халқ маорифи соҳасида қилинган ишлар билан яхши танишсиз. Лекин анчагина камчиликлар мавжуд. Дарс жараёнини такомиллаштириш, ўқув материаллари ишлаб чиқиш, методик адабиётлар нашр қилиш, фундаментал тадқиқотлар учун махсус лабораториялар ташкил қилиш каби вазифалар кўндаланг бўлиб турибди. Бусиз ҳалқ маорифи тараққиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Биз ўртоқлар билан маслаҳатлашиб, сизни Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтига директор ва Маориф вазирлиги коллегияси аъзоси қилиб тасдиқлашни режалаштирдик. Педагогика-психология фанлари, илмий-методик ишлар соҳасида қалам теккизилмаган қирралар жуда кўп. Сизнинг бу ишларни қилишингизга имонимиз комил. Биз бюро аъзолари билан маслаҳатлашиб шу қарорга келдик. Ўйлайманки, сиз рози бўласиз. Ишларингизда муваффақиятлар тилаймиз».

Шароф Рашидов билан охирги учрашувимиз 1980 йилларидан кейин Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида бўлиб ўтди. Ўша пайтда институтда асосий ўқув қуроллари етишмас, фундаментал лабораториялар ташкил қилинмаган, ўқув аудиториялари ва ётоқхоналар етишмас эди. Умуман, институт қийин аҳволда эди. Шуларни назарда тутиб, маориф министри С. Шермуҳамедов ва институт ректори Ҳ. Турсунов Шароф Рашидов қабулида бўлиб, институтнинг аҳволини батафсил тасвирлаб, бир кўриб кетишларини илтимос қилдилар. Орадан бир неча кун ўтгач, Ш. Рашидов факультет деканлари, кафедра мудирлари билан йиғилиш ўтказди.

Йиғилишда Ш. Рашидов шундай деган эди: «Неру ҳазратлари билан келиб сизлар билан учрашув ўтказганимизга анча йиллар бўлди. Менинг институтга келишимни сўраб яхши иш қилдингизлар, ўзим ҳам шуни орзу қилиб юрган эдим. Ниҳоят, жуда банд бўлишимга қарамай, ҳузурларингга келишга аҳд қилдим. Мен министр ва ректор билан институтнинг аҳволи, нималар қилиш кераклиги ҳақида батафсил суҳбатлашиб олган эдим. Амалий ишга ўтишдан олдин ижозатлари билан сизларни республикадаги аҳвол, Марказқўм ва ҳукумат олиб бораётган ишлар билан қисқача таништирсам». Ш. Рашидов шундай деб республикани ташвишга солиб турган асосий муаммолар: Орол, пахта муаммоси ҳақида тўхталди. Кейин халқ маорифи соҳасидаги ишларга тўхталиб шундай деди: ўқувчилар олаётган билим замон талаблари даражасида эмас. Биз бу масалада қаттиқ ташвишдамиз. Бу ерда ўтирган мутахассис ўртоқлар партия ва халқ маорифига ёрдам беришлари лозим. Илмни турли йўналишлар бўйича равнақ топтириш учун бақувват профессорлар, академиклар керак. Маориф ва Олий таълим министрликлари бу соҳада етарли ишларни қилмаяптилар. Қўлимиздаги материалларга қараганда бундан 10—15 йил илгари докторлик унвонини олган ўртоқлар бирорта фан доктори тайёрламаганлар, дарсликлар, монографиялар ёзиб чоп этмаганлар. Докторлик шахсий мулк ёки шахсий ҳусн эмас-ку! Бу ерда ўтирган раҳбар ўртоқлар шу ҳақда ўйлаб кўришлари лозим.

Суҳбатимизни тамом бўлди, деб бўлмайди. Шу ерда тўхтайлик. Ҳаммамиз бирга чиқиб аудиторияларни, лабораторияларни, институтнинг мол-мулкини кўздан кечирайлик. Шунга кўра марказқўмнинг қарорини тайёрлаймиз. Қолган суҳбатимизни қарор тайёр бўлгач, унинг ижроси ҳақида давом қилдирамиз».

Шароф Рашидов билан ҳар учрашганимда у киши Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари учун ҳам кадлар тайёрлаб беряпсизларми, уларда ҳозирча педагогика фанлари соҳасида фан докторлари тайёрлайдиган махсус илмий кенгашлар йўқ, шу сабабли уларни сира камситиш керак эмас, деб такрор-такрор таъкидлар эдилар. У кишининг Ўрта Осиё учун ҳам кадрлар тайёрлаш ҳақидаги ғамхўрлигини тинглаб ич-ичимдан қувонар эдимки, бу одам ҳақиқий инсон, замонамизнинг энг илғор кишиларидан бири, энг муҳими — ҳақиқий байналмилалчи эди.

МАКТАБ КУТУБХОНАСИДА

Биз Шароф Рашидов билан мактабларда таълим-тарбия ишларининг йўлга қўйилиши, эришилаётган ютуқлар ва бу соҳадаги камчиликлар хусусида тез-тез суҳбатлашиб турар эдик. Шароф Рашидов Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларига ташриф буюриб турар эди. У кишининг менга айтишларига кўра, бир райондан иккинчи районга ўтиш вақтида йўлда учраган катта-кичик мактабларни кўришлари билан машинасини тўхтатиб, мактабга кириб борадилар. Салом-аликдан кейинги биринчи иши мактаб кутубхонаси билан танишиш бўлган. Кутубхоначиларга қанча бола китоблардан фойдаланишади, қайси синф ўқувчилари энг яхши китобхон? Кутубхонада махсус журнал юритасизларми? Журналга болаларнинг исми-шарифи ёзиб борилади? Ўқийдиган китоблари-чи? каби саволлар билан мурожаат қилган. Бир куни шундай суҳбат давомида икки бола кутубхонага кириб келади. Бири 8-синфда, бири эса 9-синфда ўқир экан. Шароф Рашидов уларга шундай мурожаат қилибди: «Кутубхонадан китоб олиб ўқиб турасизларми?», «Ҳа, ўқиб турамиз», — дейишибди болалар. «Масалан, сен, 9-синфда ўқир экансан, қанақа китобларни ўқигансан», — сўрабди биттасидан Ш. Рашидов. «Навоий» романини ўқиб чиқдим», — дебди бола. «Навоий» романини ким ёзган», — сўрабди Ш. Рашидов. Шунда бола: «Навоий» романини Ш. Рашидов ёзган», — деб жавоб берибди. Ш. Рашидов болаларга бу романни машҳур адибимиз Ойбек домла ёзганликларини тушунтирганида улар нима дейишларини билмай жим қолишади. Иккинчи боладан: «Шоирлардан кимларни биласиз», — сўрабди Ш. Рашидов. «Ғафур Ғулом ва Миртемирни», — деб жавоб берибди бола. «Уларнинг қайси шеърларини биласан», — сўрабди Ш. Рашидов. Бироқ болалар Ш. Рашидов томонидан берилган бирорта саволга тўлиқ жавоб бера олишмабди.

— Мана бир мактаб кутубхонасида бўлган ҳодиса, — деб ҳикоясини давом қилдирган эди Ш. Рашидов. — Мен вилоят ва районлардаги қанчадан-қанча мактабларда бўлганман. Бу масалада, яъни болаларнинг мактаб кутубхоналари орқали китобни севишга, адабиётларни ўрганишга жалб қилиш ишлари деярли олиб борилмаяпти. Мени ҳайратда қолдирадиган нарса шуки, мактабда директор бор, илмий бўлим мудири бор, қанчадан-қанча адабиёт ўқитувчилари бор. Наҳотки, улар бу аҳволни билмасалар. Сидиқ ака, сиз педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг директорисиз, Маориф министрлиги коллегияси аъзосисиз, шу нуқтаи-назардан бу масалани ҳам коллегияда, ҳам институтнинг илмий кенгашларида қаттиқ туриб кўтариш керак, бу сизларнинг муқаддас бурчингиздир.

Мен халқимнинг асл фарзанди, ватанпарвар, инсонпарвар, бутун умри ва ташвиши халқ ташвиши билан боғланган, ёзган асарларида эл-юрт улуғланган, инсонларнинг энг яхши фазилатларини ўзида мужассамлаштирган Шароф Рашидов ҳақидаги баъзи хотираларни қоғозга туширдим, холос. У кишининг фаолиятида эл-юрт, Ватанга садоқат ва кишиларни байналмилал руҳида тарбиялаш марказий ўрнини эгаллар эди. Шунинг учун ҳам 25 йил давомида Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг биринчи котиби бўлиб, юртимизда яшаётган юздан ортиқ миллат вакилларига раҳнамолик қилиб келди.

Шароф Рашидовнинг қалби ва дили пок бўлиб, ҳамиша халқ билан бирга эди. Мен Ш. Рашидов билан қарийб 40 йилдан ортиқ вақт давомида мулоқотда бўлдим. Ҳар бир учрашувимиз у кишига бўлган меҳр-муҳаббатимни янада оширар эди. Минг афсуслар бўлсинким, номард, ноинсоф кишилар туфайли улар томонидан тўқилган «ўзбеклар иши», «пахта иши» туфайли орлик ва номуслик кишини бевақт ҳаётдан кўз юмишга олиб келди. У киши бошига тушган мусибат халқ бошига тушган мусибат эди. Минг марта шукурлар бўлсинким, забардаст давлат арбоби, қийинчилик ва машаққатлардан чўчимайдиган ҳурматли Президентимиз Ислом Каримовнинг мардонавор бошлаган иши туфайли Шароф Рашидовнинг муборак номлари оқланди, «ўзбек иши», «пахта иши» масаласи кун тартибидан олиб ташланди. Шароф Рашидовнинг ажойиб сиймоси меҳнаткаш халқимиз каби менинг қалбимда ҳам абадий сақланади.

(«Ўзбекистон овози» рўзномасидан олинди).

ҲАРБИЙ-СПОРТ БАЙРАМИ



Пайтахтдаги Э. Тельман номли маданият ва истироҳат боғида Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси Ўзбекистон ёшлар уюшмаси, шаҳар қўмитаси, вилоят ҳарбий комиссариати, жисмоний тарбия ва спорт шаҳар қўмитаси ташаббуси билан ҳарбий чақириққа тайёрланувчи ўспиринларнинг 1-Тошкент шаҳар ҳарбий-спорт байрами ўтказилди.

Байрам мусобақаларида Тошкентдаги намунали умумтаълим мактабларининг юқори синф ўсмирлари иштирок этдилар.

Соат 10. Парад бошқарувчиси — Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармасининг ҳарбий чақириққа тайёрланувчилар инспектори, заҳирадаги полковник В. И. Купчик оркестр садолари остида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини, Тошкент шаҳар халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошевга Тошкент шаҳридаги умумий таълим мактаблари ўспиринларининг 1-Тошкент шаҳар ҳарбий-спорт байрами иштирокчилари мусобақага тайёр эканликлари ҳақида рапорт берди.

Ҳ. Қ. Йўлдошев ҳарбий-спорт байрами иштирокчиларига мурожаат қилиб, уларга ўқишда, ҳарбий тайёргарликда ҳамда спорт беллашувларида муваффақиятлар тилади.

Команданинг икки капитани Ўзбекистон Республикаси байроғини кўтаришади. Ҳарбий оркестр Ўзбекистон Республикаси Давлат гимнини ижро этади. Шундан сўнг В .И. Купчик байрамни ўтказиш тартиби билан таништиради.

Бир йўла саккиз майдончада турникка тортилиш, баландликка сакраш, тош кўтариш, югуриш, гранатани мўлжалга отиш, параллел брусьяда танани кўтариб, бурчак ҳосил қилиш машқи, арқон тортиш, ҳарбийлаштирилган эстафета бўйича қизғин кураш олиб борилди.

Мусобақа давомида спортнинг алоҳида турлари бўйича энг яхши натижаларга эришган ғолибларнинг фамилиялари баён қилиб турилди.

Ҳарбий чақириққа тайёрланувчи ўспиринларнинг 1-Тошкент шаҳар ҳарбий-спорт байрамида I ўринни Куйбишев ноҳияси, II ўринни Ҳамза ноҳияси, III ўринни эса Фрунзе ноҳияси эгаллади. Ғолиблар фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев иштирок этди.

Д. ХУЖАЕВА,
мухбиримиз.

Суратларда: ҳарбий-спорт байрамидан лавҳалар.

Суратқаш Р. АЛЬБЕКОВ.

Ҳайдарали УЗОҚОВ
Исломжон ТУРСУНОВ

ҚУЮН ҚУРШОВИДАГИ НУР

«Панисломизм» атамаси XIX аср охирларида, Яқин ва Ўрта Шарқ мусулмон мамлакатларида Ислом бирлиги байроғи остида пайдо бўлиб, бу диний-сиёсий оқимнинг асосий мақсади — чет эл капиталининг мусулмон мамлакатларига суқулиб киришига қарши туриш, босқинчилар зулмидан қутилиш ва уларга қарши мусулмонларни курашга отлантирувчи, уларни ягона ислом давлати теварагига бирлаштириш ғоясини кўтариб чиқишдан иборат эди. Панисломизмнинг яна бир асосий ғоясида, миллати ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, мусулмон бўлса бас, булар бирлашиб ҳалифаликни ташкил этиш, бу билан мустамлакачиларга нисбатан фаол тарғибот ишлари олиб бориш ётарди.

XX асрга келиб панисломизм оқими турк помешчиклари, буржуазия ва мусулмон руҳонийлари юқори табақаларининг асосий ғоявий қуролига айланди. Бу оқим Туркистон, Қрим ва Волга бўйи мусулмонлари орасига ҳам кириб келди. Инқилобдан сўнг шўро ҳокимиятига қарши курашда панисломизм жуда катта ғоявий ва сиёсий кучга айланди. Шу сабабдан ҳам шўро ҳокимиятининг дастлабки онлариданоқ қизил империя раҳбарлари бу оқим вакилларини ўта хавфли куч сифатида билиб, уларни ваҳшийларча қирдилар, қатағон қилдилар.

Ленин бу ҳақда шундай ҳамр қилган эди: «Европа ва Америка империализмига қарши озодлик ҳаракатини хонлар, помешчиклар, муллалар ва шулар кабиларнинг позициясини мустаҳкамлаш билан бирга қўшишга уринувчи панисломизм ва шу каби оқимларга қарши кураш олиб бориш зарур» (В. И. Ленин. Асарлар, 31-жилд, 143-бет).

Табиийки, Эсон Афанди Туркияда ушбу оқимга хайрихоҳ бўлган эди. Бу нарса моҳир педагог фаол зиёлининг фожиали тақдирига маҳкам тиркалди. Эсон Афандини қатл этиш юзасидан тўпланган «ҳужжат»лар қаппайтирилди. Энди маҳбус билан ҳисоб-китоб қилиш бошланди.

СЎНГИ САВОЛ-ЖАВОБ

1937 йил, 28 сентябрь. Тергов хонаси. Маврин маҳбусни «плиқ» кутиб олади.

— Ҳа, энди қалайсан, бўлган воқеа, қилган жиноятлар ҳақида тўғри кўргазма берасанми, йўқми?! — дағдаға аралаш сўрйди у. Орадан андак фурсат ўтмай такрор вайсай бошлайди:

— Тергов аниқ маълумки, сен чет элдан совет территориясига бир гуруҳ шпионлар билан разведка учун, аксилинқилобий иш олиб бориш учун ташлангансан, яширишнинг ҳожати йўқ. Ўзингнинг шпионлик фаолиятинг ҳақида аниқ маълумотлар берчи?!

— Мен очиқ маълумотлар бераман, — дея жавоб қила бошлади Эсон Афанди. Бу қалтироқ аралаш жавобда қийноқлар, зўравонликлар таёғининг зарби бўртиб турарди. У бироз ўйлаб олгач, сўзида давом этади. — Мен 1911 йилда Тошкентдан Туркияга ўқишга кетдим. У ерда 1922 йил иккинчи ярмигача ўқидим ва ишладим. 1917 йил охирида инглизлар Константинополни босиб олди. Шу пайтларда мен билан ўзбек йигити Ҳамид Саид (у ҳозир Боку университетининг профессори) бирга бўлди; биргалик кезларимизда у менга: «Сени Туркия ҳарбий министрлиги алоҳида ишлар бўлимининг бошлиқ ўринбосари Шарифбой чақираяпти», деб хабар берди. Мен Ҳамид Саид билан чақирилган жойга бордик. Шарифбой билан учрашдик. У менинг ишончли миллатчи эканлигимни билгач, маҳфий равишда Туркистон билан ҳарбий разведка ишини олиб боришимни айтди. Унинг бу таклифини қабул қилдим ва ҳозиргача шу ишимни давом эттириб, Туркия билан алоқадаман.

1922 йилда Константинополда 11 кишидан иборат разведкачилар тўпландик Бизни совет территориясига разведка мақсадида ташлашди. Мақсадимиз қуйидагича эди:

1) ...совет территориясига — Туркистонга келиб миллатчилар ва уларнинг ташкилотлари билан боғланиб, бу ерда антисовет ва миллатчилик ишларини янада фаоллаштириш;

2) Туркистон миллатчиларига аҳоли орасида, айниқса, ўзбек зиёлилари ўртасида англия-фин ташвиқотларини тарғиб қилиш;

3) Тошкентда Мунаввар қори билан боғланиб, унга четдаги ўзбек зиёлиларининг кайфияти, руҳияти, ҳақидаги материалларни бериш ҳамда бу ердаги зиёлиларни ўзига бирлаштирган аксилинқилобий миллатчи ташкилотлар ва уларнинг фаолиятлари, раҳбарлари, улар ҳақида маълумотлар, буларнинг компартия билан ўзаро алоқалари ҳақида маълумотлар олиш керак эди. Келишда эса Туркия пули билан 400 лира олдим...».

— Айтчи-, сен қайси чет эл разведкасига ёлланган эдинг ва қайси давлатга ишламоқчи эдинг?

Эсон Афанди ўхшаш ва такрор мантиқли саволдан ғешонаси тиришди, бироз жаҳли чиққандай бўлиб Мавринга чуқур зеҳн солди-да, деди:

— Айтдим-ку, мен Туркия ҳарбий министрлиги алоҳида бўлими бошлиғи ўринбосари Шарифбойга ёлланганман деб. Ундан инглизларга мос бўлган топшириқларни олганман. Бу топшириқлар — сиёсий ишлар Англия фойдасига эканлигини яхши билардим...

«Айтдим-ку» деган юкламали такрор маъно Мавринга найза бўлиб санчилди, шекилли, овозини бир поғона кўтариб деди:

— Сен Туркиядаги антисовет фаолиятга қандай қилиб қўшилиб қолдинг?

Эсон Афанди виқор билан жавоб қилди:

— Тошкентга келгач, Мунаввар қори Абдурашидовникига бордим. Унга Шарифбойнинг салом ва топшириқларини етказдим. Зиммамдаги барча топшириқларни тўла адо этиб, ўз вазифамни уддаладим: разведка ва миллатчилик ишлари ҳақида бор гапни айтдим. Мунаввар қори менга: «Сизнинг келишингиздан хурсандман», деди. У Тошкентдаги «Миллий иттиҳод» аксилинқилобий миллатчилик марказий ташкилоти ҳақида тўла маълумот берди. Унинг ўзи шахсан ташкилотнинг Бухоро, Самарқанд, Андижон, Наманган ва бошқа жойлардаги гуруҳлари фаолиятлари тўғрисида ҳам маълумотлар берди.

Ғаламислар қўлидан қутилиб чиқиб кетишига кўзи етмаган Эсон Афанди «бор-ёй», деди-да, бор гапни, бўлган ва бўлмаган воқеаларни баён қила қолди:

— Ташкилот Туркистонда 1919-1921 йилларда босмачилар ҳаракатини ташкил қилиш учун қуролли қўзғолонни уюштириш, Қизил Армияга қарши курашни изчиллик билан ташкил этиш ҳақида фикрлар айтди Мунаввар қори... Бир неча кундан сўнг мени Мунаввар қори Тошкент педагогика институтига ўқитувчи қилиб ишга жойлади...

Маҳбуснинг бу олижаноб жавобларидан мамнун бўлган Маврин уни «сиз»лашга ўтди:

— Англия манфаати учун олиб борган шпионлик амалий ишларингиз ҳақида кўргазма беринг-чи.

— Шарифбойдан олган топшириқлар бўйича миллатчи ўзбек зиёлилари доирасида 1922 йилдан 1928 йилгача ўзбек зиёлиларининг миллатчиик кайфиятлари, олиб бораётган ишлари хусусида материаллар тўплаб, Мунаввар қорига етказиб турдим. Ўзбек студентлари ва ўқитувчилари орасидаги аксилинқилобий миллатчи гуруҳбозликлар тўғрисида маълумотлар, гуруҳбозларнинг махсус раҳбарлари — миллатчи даргалар ҳақида материаллар тўпладим.... Акмал Икромов, Давлат Ризаев (халқ маорифи комиссари), Чўлпон, Ғози Олим Юнусов, Жулқунбойлар тўғрисида тўла маълумотлар етказиб турдим... Ўқитувчилик фаолиятим жараёнида педагогика институтида ташкил этилган студентлар орасидаги «Ёш юрак» аксилинқилобий миллатчилик гуруҳи ҳамда ўқитувчилар ва студентларнинг иқтисодий ва маиший аҳволи ҳақида қайғурувчи «Кўмак» жамияти юзасидан маълумотлар бердим... (Ўша «иш», 7-18-бетлар).

Албатта, бу сўроқ, «протоколи»даги матнлар қисқартириб олинди. Ушбу кўргазмалар асосида келтирилган «далиллар» маҳбусдан фақат муштумзўрлик, тазйиқ ўтказиш йўли билан тўпланганлигига ҳеч шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Адолатсизлик, истибдод, туҳмат ва бўҳтонлар ҳукмрон бўлган янги тузум — шўро ҳокимияти даврида Эсон Афанди каби юзлаб алломалар қатағон қилиндилар, тутқинлигу сургунларда дўзахий қийноқлар билан жон бердилар.

Шундай қилиб, Шаҳид Эсон Афандининг юқоридагича кўринишдаги «жиноий иши» сифатида тўпланган «далил»ларга асосланган суд жараёни 1938 йилнинг 5 октябри куни бўлиб ўтди. Бор йўғи чорак соат давом этган суд жараёнига СССР Олий суди ҳарбий коллегияси ҳайъатида Алексеев раислик қилди. Зайцев, Болдирев ва Ботнер фамилияли шахслар аъзолиги, қораловчилигида бўйнига қўйилмаган «айб» билан Шаҳид Эсон Мусаев отувга ҳукм этилиб, ҳукм ўша 5 октябрь куниёқ ижро этилди (Ўша «иш», 73-бет).

ҚАЛЛОБЛАР ИШИДАН БИР КЎРИНИШ

Азиз муштарийлар, диққат қилинг. Биз юқорида адолатни «ҳимоя» этувчи суд жараёнидаги «отув» ҳукми 5 октябрда ижро этилгани ҳақида гапирдик. Минг афсуски, Шаҳид Эсоннинг отиб ташланганлиги факти суддан бир кун олдин, яъни 4 октябрь куни ижро этилганлиги диққатни ўзига тортади. КГБ майори Михеев имзо чеккан 976 20-рақамли «Справка»да кўрсатилишича, «Ш. Э. Мусаев 1938 йилнинг 4 октябрида Тошкентда отиб ташланган» (ўша «иш», 74-бет).

Ўз турмуш ўртоғини охирги марта ўша 1937 йилнинг 5 августида қамоққа олинган куни кўрган, бағри қон бўлиб қақшаб қолган аёл Ҳадича Тожирова орадан 20 йил ўтгач, 1957 йил 25 февралда эрининг тақдирини аниқлаш учун СССР Ички ишлар министрлиги 1-махсус бўлинмаси бошлиғи, СССР ҳарбий прокурори ҳамда СССР Олий суди ҳарбий коллегияси номига ариза билан мурожаат қилади.

Мана, ҳарбий коллегия раисининг ўринбосари, юстиция полковниги Лихачевнинг ёзма хабарномаси матнини ўзингиз ўқинг-да, инсон тақдирига бўлган муносабатга баҳо беринг:

«Прошу дать указание соответствующему отделу ЗАГС о выдаче гражданке Таджировой Х. Ш. свидетельство о смерти её мужа Мусаева Ш. И.»

«Сообщаю, что Мусаев Шаҳид Исан, 1884 г. рождения, был осужден Военной Коллегией Верховного Суда СССР 1938 года и, отбывая наказание, умер 13 ноября 1939 г.

Гр. Таджировой Х. Ш., проживающей по адресу г. Ташкент, Мервский переулок, д. 3» (ўша «иш», 75-бет).

Бир инсон тақдирига шунчалар бефарқ, беандиша муносабатда бўлиш ўша давр КГБ қаллобларининг қиёфасини кўрсатувчи муҳим ёрлиқ эмасми?!

Бу олчоқларнинг фикру зикри босиб олинган халқнинг илғор фикрли кишиларини, зиёлиларини ҳар қандай йўллар билан бўлса ҳам йўқотиш ва бунинг эвазига ўз колониялари ҳудудларида қарамликни, мутеликни, қулликни сақлаб туришдангина иборат эди, холос. Мана шу бедодликнинг яна бир қурбони бўлмиш ўзбек халқининг зукко педагоги, олими, тарихчиси, истиқлол йўлида минг қийноқларга дучор қилинган Шаҳид Эсон Мусаевнинг фожиали қисмати уч ўқ билан эмас, айтиш жоиз бўлса, «уч муддат» отув билан якун топдики, унинг фарзандлари, авлоду аждодлари ўз падари бузрукворларининг нафақат жасади қаердалигини била олмай доғу-ҳасратда ўтиб келмоқдалар, балки қаерда ва қайси куни қазо топганини, унинг руҳини хотирлаш тадбирларини ўтказиш муҳим бир муддатини ҳам аниқлай олмай сарсону саргардондирлар.

Ана шундай буюк қалб, кеч бўлса-да, 1957 йил 27 июндаги давлат Хавфсизлиги комитети ҳарбий коллегиясининг 4н 025571 рақамли ажрими билан тўла оқланди.

(Боши ўтган сонларда).

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Жумҳурият рус тили ва адабиёти педагогика институти

1992—1993 ЎҚУВ ЙИЛИГА СИРТҚИ БЎЛИМГА «РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ», «МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ», «РУС МАКТАБЛАРИДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ», «РУС МАКТАБЛАРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ» (ҚУШИМЧА МУТАХАССИСЛИГИ БИЛАН), «МИЛЛИЙ МАКТАБЛАРДА РУС ТИЛИ ВА АДАБИЁТИ «ТАРЖИМОНЛИК» (ҚУШИМЧА МУТАХАССИСЛИГИ БИЛАН) ИХТИСОСЛАРИ БЎЙИЧА

ТАЛАБАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сиртқи бўлимга ёши чекланмаган ҳолда ўрта ёки олий маълумотга эга бўлган, халқ маорифи соҳасида ишлайдиган Ўзбекистон Республикасида яшовчилар ва хорижий мамлакатлардан келган кишилар қабул қилинади.

Қабул олий ўқув юртларига қабул қилиш шартлари асосида ўтказилади.

Кириш имтиҳонлари қуйидаги фанлар бўйича ўтказилади:

1. Рус тили ва адабиёти (ёзма) — мактабни рус тилида тугаллаган шахслар учун баён, мактабни она тилида (рус тилида бўлмаган) тугаллаган шахслар учун диктант.

2. Рус тили ва адабиёти (оғзаки).

Аризалар 27 апрелдан 29 майгача қабул қилинади.

Сиртқи бўлимга киришни хоҳловчилар институт қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни топширадилар:

1. Ректор номига ариза.
2. Ўрта маълумот ҳақида ҳужжат (асл нусхаси ёки нотариус томонидан тасдиқланган кўчирма нусхаси).
3. Ташкилот томонидан тасдиқланган меҳнат дафтарчасидан кўчирма.
4. Тиббиёт кўрсатмаси (медицина справкаси 086/У формада).
5. 6 дона фотосурат (3х4 см ҳажмда).

Паспорт ёки ҳарбий ҳужжат (ёзма гувоҳнома) шахсан кўрсатилади.

ЭСЛАТМА:

1. Маълумоти ҳақидаги ҳужжатдан ташқари, барча топширилган ҳужжатлар мазкур йилга оидлиги кўрсатилади ва муҳр билан тасдиқланади.

2. Фамилия ўзгарган ҳолатда тасдиқловчи ҳужжат топширилиши шарт.

ИНСТИТУТ МАНЗИЛГОҲИ: 700110, Тошкент — 110, академик В. В. Решетов кўчаси, 4-уй. «Чилонзор» метросидан 37-маршрут таксида, метронинг «Пахтакор» бекатидан 20-маршрут такси ва 35-автобусда, «Самарқанд» автостанциясидан 20-автобусда келишингиз мумкин.

ЎҚИШГА МАРҲАБО!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ДОРИЛФУНУНИ ҚОШИДАГИ С. Ҳ. СИРОЖИДДИНОВ НОМЛИ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЛИЦЕЙ 1992-93 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН 9—11-СИНФЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Лицейда математика, физика, химия ва биология синфлари бор. Иқтидорли болалар суҳбат йўли билан қабул қилинади.

Жумҳурият ўқувчилар олимпиадасининг дипломлари ва фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган ғолиблари суҳбатсиз 10—11-синфларга қабул қилинадилар.

ҚАБУЛ 25—30 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЎТКАЗИЛАДИ.

Аризалар ва зарур ҳужжатлар 25 июнгача директор номига юборилиши керак.

Ўқиш ўзбек тилида олиб борилади.

Дарсларни фан доқторлари, фан номзодлари ва малакали ўқитувчилар ўтказадилар.

Аълочи ўқувчиларга стипендия берилади. 11-синфни битириш имтиҳонлари Тошкент давлат дорилфунунининг математика, физика, химия ва биология куллиётларига кириш имтиҳони ўрнида ҳисобга ўтади.

Лицей қошидаги ётоқхона, ошхона, кинотеатр, кутубхона ва спорт зали ўқувчиларга хизмат қилади.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: Тошкент — 700112, Чилонзор мавзеси, 9-квартал, 33-уй.

ТРАНСПОРТЛАР: 4, 9-трамвайлар, 2, 13, 29, 33, 70, 77-автобусларнинг Чўпон ота бекати.

ЁШ ЖУҒРОФИЯЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Фарғона шаҳрида жуғрофия фани бўйича бўлиб ўтган жумҳурият олимпиадасида Тошкент вилояти ўқувчилари ҳам фаол қатнашишди. Ёзма ва амалий турда Оҳангарон ноҳияси (8-мактаб) вакили З. Бобоқулова ҳамда оққўрғонлик (34-мактаб) Ш. Шариповлар пухта ва чуқур билимларини намойиш этиб, фахрли биринчиликни эгалладилар.

С. МУСАХЎЖАЕВ.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи М. РАҲМОНОВ.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

№ Г — 88. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди 19.10 Тиражи 160000

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12